Беш йилликни муддатидан илгари бажарамиз

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-йил чиқиши.

№ 225 (4431).

16 НОЯБРЬ

СЕШАНБА

1971 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

## 100620 ТОННА САБЗАВОТ

КПСС XXIV съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Калинин районининг меҳнаткашлари ишлаб чиқаришда янгидан-янги меҳнат ғалабаларини қўлга киритмоқдалар. Айниқса улар пойтахт области аҳолисига мўл-кўл сабзавот маҳсулотлари ва картошка етиштириб беришда катта ишлар қилмоқдалар. Район меҳнаткашлари социалистик мусобақани кенг қулоч ёдириб аҳолига пландаги 89800 ўрнига 100620 тонна сабзавот сотиб, берилган планни ортиғи билан бажардилар.

Колхоз ва совхозларда айниқса карам, сабзи, помидор ва бошқа сабзавот экинларидан мўл ҳосил олинаётир. Собир Раҳимов номли колхоз 4270 ўрнига 5690 тонна, ёки пландагига нисбатан 1,5 минг тонна кўп сабзавот сотди. «Ленин йўли» колхозининг азамат сабзаветкорлари 3770 ўрнига 5286 тонна маҳсулот етиштириб бердилар. Райондаги «Партия XXI съезди» совхози 5100 ўрнига 6100 тонна сабзавот сотдилар. «Қорасув», I-«Назарбек» совхозларининг коллективлари ҳам ўз зиммаларига юклатилган вазифани ортиғи билан адо этдилар.

Район хўжаликларида картошка етиштириш ҳам яхши бўлди. 13760 ўрнига 15470 тонна картошка сотилди. 15100 тонна ўрнига 15800 тонна полиз экинлари маҳсулоти етиштириб берилди.

Район хўжаликларида қишлоқ хўжалик маҳсуотлари тайёрлаш ва давлатга сотиш ишлари қизғин ва девом эттирилмоқда. Хўжаликлар бу йил давлатга 106 минг тоннагача сабзавот сотиш учун курашмоқдалар.

## МУСОБАҚА ВА МАТБУОТ

1971 йилнинг охирги ойлари умумхалқ социалистик мусобақасининг янги муваффақиятларини билан нишонланди. Газета ва журналларимизнинг саҳифалари, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришлари миллион-миллион кишиларнинг тўққизинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш соҳасидаги ишини яхшиланишига изчиллик билан ҳаракат қилишга даъват этмоқда.

КПСС XXIV съезди ўртага қўйган улуғвор иқтисодий ва социал вазифалар мусобақани ривожлантиришдаги сифат жиҳатидан янги босқични белгилаб берди. Оммани изодий активлигини ошириш ва тарбиялашнинг қудратли қуроли бўлган мусобақанинг роли муттасил ошиб бормоқда. Ҳозир мусобақадошларнинг куч-ғайратларни ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш учун курашга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш асосида меҳнат унумдорлигини муттасил ўстиришга, хўжалик ичидаги резервлардан ҳар томонлама фойдаланишга, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашга қаратилган. Бу эса матбуотимиздан мусобақа масалаларини ёритишга янгича — янада кенг, аналитик ва конкрет муносабатда бўлишни, мусобақа масалаларини ишлаб чиқишда системали иш тутишни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети «Социалистик мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорида марказий ва маҳаллий газеталар ҳамда журналлар редакцияларига, кино, радио ва телевидениега, нашриётларнинг раҳбарларига пропаганда ва аҳборотнинг ҳамма воситалари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилишларига, новаторларнинг ташаббуслари моҳиятини чуқур ўрганишларига, уларни қунт ва жанговарлик билан қўллаб-қувватлаб оммалаштиришларига, фан ва техника ютуқларини жорий этиш учун актив кураш олиб боришларига эришиш вазифасини топширди. Партия матбуот ходимларини меҳнатнинг ва хўжаликни бошқаришнинг илғор методлари мазмунини тўлиқроқ ва чуқурроқ ёритишга, мусобақанинг социал, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини кўрсатиб беришга, мусобақанинг қандай бораётганлиги ва натижаларидан ҳаммани хабардор қилиб туришга, ҳамма соҳалардаги ишнинг яхшиланишига изчиллик билан ҳаракат қилишга даъват этмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг кўрсатмаларини матбуотимизнинг ҳамма отрядлари жанговар иш программаси, деб қабул қилди. Кўпгина газеталар бутун диққат-эътиборни беш йилликнинг энг муҳим вазифаларига қаратиб, оммани нинг кучайиб бораётган ташаббусини яққол ва ёрқин кўрсатиб бермоқдалар. Грузияда чиқадиган республика газетаси «Заря Востока» корхоналардан берган бир қанча мароқли материалларида ишчилар коллективининг мусобақани ташкил этишни яхшилаш, чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш борасидаги жўшқин фикрини илҳом билан тасвирлаб берди. «Московская правда» газетаси резервлардан тўлиқ фойдаланиш учун, ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлигини ошириш учун мусобақалашаётган илғор меҳнатчиларнинг муваффақиятларини моҳирона пропаганда қилмоқда. «Труд», «Социалистический Донбасс», «Советская Белоруссия» газеталарида, айрим телекўрсатувлар ва радио эшиттиришларда ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш йўллари тўғрисида мазмунли таплар баён этилмоқда, илғорларнинг ташаббуслари кенг қўламда актив пропаганда қилинмоқда. Ишлаб чиқариш коллективларида ижодий изланиш, техника соҳасидаги консерватизмга, турғунликка муросасизлик муҳитини вужудга келтиришда партия ташкилотларига фаол ёрдам бераётган кўпгина матбуот органларини айтиб ўтиш мумкин.

Бироқ айрим газеталар, журналлар ва нашриётлар, телевидение ва радио эшиттириш комитетлари мусобақа масалаларини шу вақтга қадар юзаки ёритиб келмоқдалар, беш йиллик учун курашнинг асосий йўналишларини танлаб ола билмадилар, экономикамиз ривожининг чуқур жараёнларини яхши ўрганмаётирлар ва умумлаштирмаётирлар.

Халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат унумдорлигини оширишнинг комплекс планлари базасида масъулиятли ишлаб чиқариш топшириқларини бажариш учун бошланган ҳаракат тобора кенгайиб бормоқда. Холбуки Россия Федерацияси, Белоруссия ва Қирғизистоннинг кўпгина область, шаҳар ва район газеталари шу дамга қадар мусобақанинг ана шу янги ва жуда муҳим формаси тўғрисида аслида ҳеч нарса ёзмаётирлар. Омманинг ташаббуси туфайли: «Тўққизинчи беш йиллик — ҳар соҳада тезамкорлик беш йиллиги!» деган жанговар шиор ўртага ташланган ҳозирги вақтда айниқса актуал бўлиб қолган иқтисод ва тежамкорлик учун кураш сингари катта аҳамиятга эга бўлган мавзу айрим газеталарда аҳён-аҳёндагина эсга олинмоқда. Кўп газета ва журналларда илғор тажриба тўғрисида анча кечикиб ва фақат аҳборот тарзидагина гап юритилмоқда.

Ҳозирги шароитдаги мусобақанинг асосий йўллари айрим марказий ва тармоқ газеталари саҳифаларида ҳам ҳозирча яхши тасвирлаб берилаётгани йўқ. Мусобақа масалалари хусусида «Строительная газета» унчалик чуқур ва изчил мақолалар босаётгани йўқ. «Советская торговля» газетаси шу тармоқ ходимларининг аҳоли эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун масъулият туйғусини оширишда зарур даражада активлик кўрсатмаётир. Баъзи матбуот органлари оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш масаласининг халқ фаровонлигини оширишдаги бениҳоя муҳимлигига етарли баҳо бермаётирлар.

Матбуотимиз социалистик мусобақани ташкил этишнинг ошкоравий, натижаларни таққослаш, тажрибани такрорлашнинг мумкинлиги сингари ленинча принципларга таянib унинг демократик негизларини муттасил ривожлантириш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилиши керак. Жумладан айрим раҳбарларнинг коллектив фикри билан ҳисоблашмай, камайтирилган планлар тузиб, бош бошқармаларга ва министрликларга юбориш йўлидаги уринишларини қаттиқ танқид қилиш мумкин. Хўжалик ичидаги резервлар оммавий равишда кидириб топилаётганлиги, у ёки бу соҳадаги қолоқлик сабабларини, илғорларнинг маррасига етиб олиш йўлларини кенгроқ кўрсатиб бериш лозим.

Совет журналистикасининг социалистик мусобақа қаҳрамонларини, меҳнат зафарларимизнинг ижодкорларини кўрсатиб бериш соҳасида бой анъаналари бор. Матбуотимиз энг яхши кишиларнинг ишлари ва режаларини тасвирлаган вақтда илғор коллективлар фаолиятини, шу жумладан хизмат кўрсатиш соҳасидаги коллективлар фаолиятини ҳам пропаганда қилиши жуда муҳимдир. Корхоналар, колхозлар, районлар, шаҳарлар ва областлар ўртасидаги мусобақа практикасига доимо эътибор бериб туриш керак. Газета ва журналларда, радиода ва зангори экранда коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлик роли, мусобақага, коммунистик меҳнат ҳаракатига партиявий раҳбарлик тажрибаси тўлиқроқ ёритиб берилиши лозим.

Совет матбуоти сафарбар қилувчи воситаларининг бутун ҳазинаси, журналистларнинг ва матбуот, радио, телевидение активларининг бутун кучи — КПСС XXIV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасини янада яхшироқ ташкил этиш ишига хизмат қилсин!

(«ПРАВДА»нинг 13 ноябрдаги бош мақоласи).





## ЯНГИ ЭКСКАВАТОРЛАР

Беш йилликда кўмир корхоналарини янги техника билан қайта қуроллантириш кўзда тутилган. Кўмир забойларига Ижорск машинасозлик заводида тайёрланган, Давлат сифат белгисига эга бўлган экскаваторлардан иборат йирик техника келтирилмоқда. Бу машиналарни бошқариш осон. Янги экскаваторлардан учтаси ҳозир кўмир қазияпти. Машиналардан бирида машҳур механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳ. Аликулов бригадаси ишламоқда. Бригада йиллик ишлаб чиқариш планини бир миллион кубометрга етказишга аҳд қилган.

Шаҳарда ишлаб чиқариш—техника курслари очилган. Ҳозир бу ерда олтмишдан ортиқ экскаватор ҳайдовчи ўз малакасини оширмоқда.

Ф. ПЕТРОВ.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидаги «Октябрь» колхозида келгуси йил мўл ҳосилга тайёргарлик қизғин. Экинлардан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилинмоқда. Суратда: партия ташкилотининг секретари У. Тўлаганов, трактўрчи С. Огабеков ўртоклар ва шудгордан чиқарилган майдонларни кўриб турибсиз.

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШУДГОРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 15 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

| Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — шудгорлаш проценти | |
|---|---|
| Юқори Чирчиқ | 83,5 |
| Оржоникидзе | 73,8 |
| Калинин | 73,6 |
| Бўстонлиқ | 58,0 |
| Ўрта Чирчиқ | 55,8 |
| Оққўрғон | 51,0 |
| Янгийўл | 40,9 |
| Бўка | 40,1 |
| Пискент | 40,0 |
| Оҳангарон | 40,0 |
| Бекобод | 25,9 |
| Область бўйича: | 50,0 |

## ФАН ВА ТАЖРИБА ҲАМКОРЛИГИ

Тошкент қишлоқ хўжалик институти республикамиздаги йирик олий ўқув юртларидан бири ҳисобланади. У ташкил топгандан буён қишлоқ хўжалигимиз учун 12 мингдан ортиқ юқори малакали мутахассис етиштириб берди. Институт профессор ва ўқитувчилари 38 кафедра ҳамда агрономия, экономика ва бухгалтерия, боғдорчилик, сабзавот ҳамда ипакчилик каби 8 та факультетда самарали иш олиб бормоқдалар. Бўлажак агрономлар келгусида қишлоқ хўжалик фани ва экономикасини янада ривожлантириш учун тинмай курашмоқдалар.

— Бунинг учун, — дейди институт проректори, доцент В. И. Зуев, — Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли совхоз бизнинг ўқув-тажриба хўжалигимиз ҳисобланади. Бу хўжалик илгари қолоқ эди. Кейинги йилларда биз бу ерда чуқур фан асосида тажриба ўтказиб, ҳосилдорликни кескин оширдик.

Хўжалик йиллик планни бу йил ҳам биринчилар қаторида оширib бажарди. Шу муносабат билан унинг иш тажрибасини ўрганиш мақсадида йўлга тушдик.

Институт партия ташкилоти секретарининг ўринбосари, доцент Тилла Абдуллаев бизни Киров номли ўқув-тажриба хўжалиги билан таништираркан, бундай деди:

— Студентларнинг комплекс механизациялашган трактор-далачилик бригадаси аъзолари чигит экишдан тортиб, гўза қатор оралариии ишлаш, суғориш ва етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган ҳамма ишларни ўқишдан ажралмаган ҳолда мустақил бажаришади. Шунисн қувончлики, студентлар деҳқонлар билан баббаравар баракали ҳосил олмоқдалар.

Тажриба хўжалигидаги Нишонбой Одилбеков, Али Маматов, Юсуф Очилдиев, Абдумурод Янгибоев, Ортиқбой Қурбонбоев, Очил Жўраев каби 20 дан ортиқ студент механик-ҳайдовчилар терим машинасида белгиланган нормани ошириб бажардилар. Улар ҳар куни 2—3 тоннадан «оқ олтин» терib, совхознинг районда биринчилар қаторида планни бажаришига муносиб ҳисса қўшдилар. Тажриба хўжалигида қўл кучи ишлатмай ҳамма ҳосилни машинада териб, планини ортиғи билан ado этган коммунист Тошболта Турсунбоев бошлиқ комплекс механизациялашган бригаданинг иши айниқса қувончлидир. Бригада 90 гектар ернинг ҳар гектаридан пландаги 23 центнер ўрнига 35 центнердан хирмон кўтарди.

Институт ректорати ва партия ташкилоти йиғимтерим ишларини социалистик мусобақа асосида ташкил этди. Бу ишда олимлардан А. Расулов, С. Орипов, Т. Сиддиқов, Н. Киселёв, К. Ярашев, А. Тошмуҳамедов, Р. Таганов каби ўртоқлар алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Айниқса, агрономия, экономика, агрохимия, ўрмон ва ўсимликларни ҳимоя қилиш, мева ва ипакчилик факультетларида мусобақа яхши самара бераётир. Студентлардан О. Эргашев, Д. Тоғаев, Х. Холбоева, У. Хайдаров, С. Полвонова, И. Саидова, К. Ҳасанова, Н. Умметова, Б. Абдуллаевалар ҳар куни нормани икки-уч ҳиссадан ado этиб, барчага намуна бўлдилар.

Совхозда студентларга алоҳида ғамхўрлик қилинаётир. Улар иссиқ овқат билан таъминланган. Мавжуд дала шийпонларининг ҳаммаси чиройли қилиб безатилган. Институт ўқитувчилари лекция ва суҳбатлар ўтказиб турадилар. Ҳар бир бригадада иккита ўқитувчи—агитатор иш олиб боради. Улар деворий газета ва «Жанговар варақа»ларни ўз вақтида чиқариб туришади. Дала шийпонларида кўчма савдо дўкони, аптечка, кутубхона ташкил этилган. Кундалик газета ва журналлар ўз вақтида келтириб турилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги Киров номли ўқув—тажриба хўжалиги азаматлари планни 118 процент бажардилар. Бу уларнинг сергуёш республикамизнинг улкан хирмонига қўшган муносиб хиссаларидир.

А. РАҲИМОВ.

## УЛКАН ХИРМОН УЧУН

### ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1971 ЙИЛ 15 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

| Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда тайёрланган, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — шу жумладан машина билан бир кунда терилган пахта, бешинчи стун — мавсум бошидан бери. | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Пискент | — | 124,13 | — | 104,88 |
| Оққўрғон | 0,04 | 121,03 | — | 111,64 |
| Бўка | 0,08 | 120,81 | — | 108,36 |
| Юқори Чирчиқ | — | 119,92 | — | 159,47 |
| Ўрта Чирчиқ | 0,03 | 116,27 | — | 102,04 |
| Янгийўл | 0,06 | 114,50 | 0,08 | 86,77 |
| Бекобод | 0,02 | 108,33 | — | 87,40 |
| Область бўйича | 0,04 | 117,40 | 0,01 | 104,91 |



СУРАТДА: Чирчиқдаги қаттиқ қотишмалар ва ўтга чидамли металлар комбинатининг илғор ишчиси А. Жуманов. Шахсий беш йиллигини муддатидан ярим йил илгари адо этиш учун интилаётган бу йигит айни кунларда смена нормасини 140-160 процентдан адо этиб келмоқда.

А. ТЎРАЕВ фотолари.

## МЕҲНАТ ЗАФАРИ

Тошкент каноп фабрикаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари партиямиз XXIV съезди бўлиб ўтган йилни муваффақиятли якунлаш учун курашиб, ўн ойлик маҳсулот реализацияси планини 100,4 процент қилиб ado этдилар. Планга қўшимча равишда 67 минг сўмлик қанон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Бундай кўрсаткичларни эгаллашда кабель-арқон цехи ва тўқув цехи ишчиларининг ҳиссаси катта бўлди. Бу цехлар социалистик мусобақада ҳам пешқадамлик қилишмоқда. Илғорларнинг ойлик иш кўрсаткичлари 110—115 процентдан кам бўлмаяпти. Фабрикада новатор ишчилар сафи ҳам тобора ортиб бораяпти. Лена Тянникова, Лида Галкина, Танзила Шоймардонова, Неля Хамидуллина, Назира Халилова ва Зинаида Нульман каби пешқадамлар смена нормасини бир ярим ҳиссадан ado этиб, шахсий мусобақада пешқадамлик қилишмоқда. Улар беш йиллик топшириқларини муддатидан ярим йил илгари бажаришга аҳдупаймон қилишган.

Айни кунларда фабрика аҳолининг фикри-зикри йиллик маҳсулот реализация қилиш планини 29 декабргача бажариш ва пландан ташқари 70 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган.

### УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республика соғлиқни сақлаш паси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

## КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

Чили Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий комиссиясининг аъзолари О. Мильяс билан Х. Кадемарториданн тборат бўлган ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги байрамида қатнашмоқ учун Москвага келган Чили Коммунистик партияси делегацияси билан 13 ноябрда КПСС Марказий Комитетида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда КПСС томонидан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов ва КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев қатнашдилар.

Суҳбат чоғида Чили Коммунистик партиясининг делегацияси президент С. Альенде бошчилигидаги ҳукуматнинг халқ бирлиги коалицияси программасини амалга ошириш борасида қилаётган ишларини, Чили халқининг революцион ўзгаришлар қилиш учун олиб бораётган курашини гапириб берди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съезди белгилаб берган коммунистик қурилиш планлари қандай бажарилаётганлиги тўғрисида Чили Коммунистик партияси делегациясига аҳборот берди ҳамда КПСС тинчлик ва халқлар ҳавфсизлигини мустаҳкамлашга, империализмга қарши, миллий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган кишиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил сиёсатни бундан буён ҳам ўтказаверади, деб уқтириб ўтди. КПСС делегацияси Чили халқ бирлиги ҳукуматини, унинг сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаётганини айтди ҳамда Чили Республикасининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлашда ва социал тараққиёт соҳасида янги муваффақиятлар тилади.

Самимий ва ўртоқларча вазиятда ўтган учрашув чоғида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси билан Чили Коммунистик партияси ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш тўғрисида фикрлашиб олинди. Чили Компартиясининг делегацияси Чили Коммунистик партияси ташкил топган кунининг эллик йиллиги байрамида қатнашиши учун КПСС делегациясини юбориш тўғрисидаги таклифномани КПСС Марказий Комитетига топширди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди.

Ҳар иккала партиянинг делегациялари СССР билан Чили ўртасида дўстона алоқаларни ва ҳамкорликни янада ривожлантириш кераклигини айтишди.

Суҳбатда КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси, КПСС Марказий Комитети халқаро бўлими мудирининг биринчи ўринбосари Е. И. Кусков ҳозир бўлди.

### УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси саккизинчи чақириқ Олий Советининг иккинчи сессияси 1971 йил 16 декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети мухокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1. Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1972 йилги давлат плани тўғрисида.

2. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йиғи давлат бюджети тўғрисида.

3. Ўзбекистон ССР меҳнат қонунлари кодексининг лойиҳаси тўғрисида.

4. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. МАТЧОНОВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Х. ПУЛАТОВА.**

1971 йил 15 ноябрь Тошкент шаҳри.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МЕДИЦИНА ИНСТИТУТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

# ХАЛҚ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА ЯРИМ АСР

## ШИФОБАХШ ДАРГОҲ

ТОШКЕНТ Давлат медицина институти... У республикамиздагина эмас, Ўрта Осиёдаги тўнғич медицина олий ўқув юрти сифатида кенг танилган.

Бугун қадрдон институтимиз 50 ёшга тўлди. Ҳа, олий ўқув юрти илмга чанқоқ йигит-қизларга ўз бағрини очганига ярим аср бўлди. Бу давр медицина даргоҳи учун ҳар томонлама юксалиш йиллари бўлди. Унинг мазмунли йўли республикамиз медицина тараққиёти билан чамбарчас боғликдир.

Институт ташкил топиши ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, ўша даврдаги медицина хизмати борасида ҳам тўхталиб ўтиш жоиздир.

«Халқ соғлигини сақлаш — Совет давлатининг асосий вазифаларидан биридир» дейилади соғлиқни сақлаш Қонунида. Жонажон партия ва ҳукуматимиз совет халқининг моддий ва маънавий фаровонлигини ошириш, унинг соғлигини сақлашни ўзининг асосий вазифаси, деб билди ва ҳозирда ҳам шундай. КПССнинг XXIV съезди тарихий қарорларида совет халқининг турмуш фаровонлигини ошириш, маданиятини янада ривожлантириш, халқ соғлигини янада яхшилаш муҳим иш эканлиги яна бир бор кўрсатиб ўтилди.

...Революциядан олдин аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш ночор аҳволда эди. Чор ҳукумати даврида Туркистон ўлкасида турли касалликлар кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритарди. Устига-устак, даволаш ишлари нодон табиблар, дуохон ва кинначилар қўлига топшириб қўйилганди. Сил, вабо, чечак, безгак, терлама, ришта, трахома ва бошқа касалликлар кенг тарқалган, меҳнаткаш халқ чинакам тиббий ёрдамдан тамомила маҳрум эди.

Совет ҳокимиятининг биринчи кунларидаёқ, вазиятнинг оғир ва мураккаб бўлишига қарамай, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати соғлиқни сақлаш ишларига алоҳида аҳамият бера бошлади. Турли юқумли касалликларга қарши кураш кучайтирилди, замонавий медицина муассасалари ташкил топди. Тошкент шаҳар депутатлар Совети томонидан 1918 йил февраль ойида собиқ кадетлар корпуси биносида йирик шифохона очилди. 800 кишига мўлжалланган бу шифохона Полторацкий номи билан атала бошланди. У моддий маблағ, жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланди. Ўшанда бу ерда атиги 8—17 врач, 15—18 фельдшер ва медицина ҳамшираси ишларди. Кадрларнинг камчил бўлишига қарамай, шифохонани медицина ходимлари билан мумкин қадар кўпроқ таъминлашга алоҳида эътибор берилди. Қизил Армия жангчиларига тиббий ёрдам бериш шифохонанинг асосий вазифаси эди. 1920 йил июнь ойида у Туркистон ўлка шифохонасига айлантирилди. Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги ихтиёрига ўтган шифохона биринчи ўлка клиника муассасаси бўлиб қолди. У бугун ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлаётган институтни ташкил этишда ўқув, илмий ва даволаш базаси бўлиб хизмат қилди.

В. И. Ленин Декрети билан очилган Туркистон Давлат университети ҳузурида медицина факультети ҳам мавжуд эди. Бу факультет 1919 йил 2 августда очилди. Доҳий йўлланмаси билан Москва ва Ленинграддан Тошкентга келган медик олимлар факультет негизини ташкил қилдилар.

Қисқа вақт ичида бу ерда стационар ва лекция аудиториялари, лабораториялар ва медицина кутубхонаси ташкил этилди. 1931 йилда эса факультет Ўрта Осиё медицина институтига айланди. Ҳозирда у Тошкент Давлат медицина институти деб юритилади.

Дастлаб, институт жойлашган шифохонада хирургия, терапия, акушер-гинекология, педиатрия, тери, кўз, қулоқ-бурун-томоқ касалликлари ва неврология клиникалари мавжуд эди. Эндиликда эса бу ерда стоматологик, физиотерапевтик, кўкрак касалликлари хирургияси, тиш қуюв лабораторияси, рентгенрадиология клиникаси, марказий клиник лабораторияси, болалар юқумли касалликлар клиникасига эга. 20 та клиникада 1400 ўрин, бешта поликлиника ва шифохонанинг қон қуюв станцияси ишлаб турибди.

Шу кунларда шифохона врачлари сони 300 кишини, медицина ҳамшираларн 750 кишини ва санитаркалар 800 кишини ташкил қилади.

Шифохона клиникалари Тошкент Давлат медицина институтининг асосий ўқув базаси ҳисобланади. Мавжуд клиника ва лабораторилар ҳузурида эса институтнинг 20 та кафедраси жойлашган. Клиник кафедраларда 26 профессор, 42 доцент, 155 ассистент, 53 аспирант, 26 бош лаборант фаол меҳнат қилмоқда. Булар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблари, республикада хизмат кўрсатган врачлар, олий ва биринчи категорияли шифокорлар анчагина.

1935 йилдан эътиборан республика клиник шифохонаси Тошкент Давлат медицина институтининг клиникалари деб атала бошланди. Клиникаларнинг бош врачлари бевосита институтнинг ректорига бўйсуниб, даволаш бўйича ректор ўринбосарлари ҳисобланадилар. Даволаш ишлари эса бевосита институтнинг асосий ўқув вазифаларига мослаб қўшиб олиб борилади.

Тошкент Давлат медицина институтининг клиникаларида республикамизда аввалари кенг тарқалган сил, безгак, бруцеллёз, лейшманиёз, ришта, бўғма, ичбуруғи, буқоқ ва бошқа касалликлар синчиклаб ўрганилди ва уларни даволаш ёки батамом йўқ қилиш чоралари ишлаб чиқилди. Бу давлат аҳамиятига эга бўлган масалаларни ижобий ҳал этишда республика медицина ходимлари билан ТошМИнинг ташкил қилишда актив қатнашган ва клиникаларимизни биринчи бўлиб бошқарган профессорлар А. Н. Крюков, Н. Ф. Боровский, М. И. Слоним, К. Г. Хрушчов, П. П. Ситковский, С. А. Молчанов, И. И. Орлов, М. А. Захарченко, С. М. Астров, Г. П. Ильин, А. Г. Грехов, Г. И. Терехов ва бошқаларнинг хизматлари катта. Бу олимлар бошлаган катта ва хайрли ишни уларнинг шогирдлари ва сафдошларидан профессорлар А. А. Асқаров, Т. Х. Нажмиддинов, Н. И. Исмоилов, С. А. Масумов, М. Ф. Мирочник, А. А. Каценович, П. Ф. Архангельский, Н. И. Рогаза, Х. Г. Гафуров, Л. Д. Василенко, А. М. Геллер, И. А. Кассирский, А. А. Аковбян, А. Д. Введенский, З. И. Умидова ва бошқалар давом эттирдилар. Бу моҳир олимлар ҳам муносиб шогирдлар етиштирдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ў. О. Орипов, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган фан арбоблари М. С. Турсунхўжаева, Х. А. Юнусова, В. В. Воҳидов, А. А. Коган, Ж. Н. Мақсумов, С. Ш. Шамсиев, Л. С. Александрова, Ф. Ф. Детенгоф, профессорлар К. Ж. Миразизов, Н. М. Мажидов, В. М. Мажидов, У. М. Мирахмедов, Н. С. Логинова, М. А. Ашрапова, Р. М. Нурмуҳамедов ва бошқа олимларнинг медицина фанини ривожлантиришдаги хизматлари оз дейсизми!

Олий ўқув юртининг клиникалари ва поликлиникалари даволаш бўйича республикамиздаги барча шифохона ва поликлиникалар учун бой тажриба ўчоғи бўлиб қолди.

КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, СССР Олий Совети Президиуми ва ВЦСПСнинг қарорига мувофиқ ТошМИ клиника касалхонаси Ленин юбилейи фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Институтимизда ўтган давр мобайнида 20 мингдан ортиқ студент таҳсил кўрди. 150 га яқин фан доктори тайёрланди. Кўпгина монографиялар, китоблар ёзилди.

Олий ўқув юртининг кўпгина мавжуд клиника ва ўқув корпуслари эндиликда эскириб қолди. Ҳар бир студентга 10-12 метр ўқув майдони бўлиши талаб этилади. Шу сабабли олий ўқув юрти биносининг янги комплексини қуришга қарор қилинди. Шундай қилиб, таҳсил кўрадиган студентлар сони яқин йиллар ичида 10 минг кишига етади.

Институт коллективи юбилейни шундай катта тайёргарлик билан қарши олди. Бу сана республикамиздаги барча шифокорларнинг ҳам байрамидир. Юбиляр институтнинг кўпминг кишилик коллективи бундан буён ҳам самарали меҳнат қилади, малакали шифокорларни тайёрлашда, медицина фани тараққиётида муносиб улуш қўшади.

**С. ДОЛИМОВ,**
**Тошкент Давлат медицина институти ректорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосари, профессор.**




СУРАТДА институтнинг таниқли профессорлари (чапдан): Н. И. Исмоилов, Г. Н. Терехов, А. А. Асқаров, С. А. Долимов ва Ҳ. З. Зоҳидовларни кўриб турибсиз.


## ҚУТЛОВ

Қутлуғ бўлсин эллик йиллик тантананг,
Яша ТошМИ бу кун тўйинг, анъананг.
Жону дилдан муборакбод этсам мен,
Сени қутлаб бу таъзимим эмасму.
Жангоҳларда қон тўкилган йилларда,
Ўқ еб, мадад истаб ётган ерларда,
Мардни сақлаб ўзи қурбон бўлганлар
Чин меҳрибон жонбозларинг эмасму.
Инсонга онаю севимли нигор,
Мадад бўлолмаса бўлганда бемор,
Малҳам каби юз минг дардга бўлган кор,
Шифокорлар фарзандларинг эмасму.
Ибн Сино қўйган тиб деворларин
Юксалтирай ва кўкларга кўтарай,
Дея ишлаётган қаро кўзларинг
Ўша бобо авлодлари эмасму.
Шулардир шаънингни элга танитган,
Тарихингда ўчмас асарлар битган,
Ҳаттоки номлари четга ҳам кетган.
Олимларинг сенинг меванг эмасму.
Ярим аср халққа қилган ишингни
Қадрлаб меҳнатин ҳар бир кишингнинг
Кўксингга тақилган меҳнат байроғи.
Ватанингни зўр қутлови эмасму.
Қутлуғ бўлсин эллик йиллик тантананг
Яша ТошМИ бу кун тўйинг, анъананг.
Жону дилдан муборакбод этсам мен,
Сени қутлаб бу таъзимим эмасму.

**М. МИРЕҚУБОВ.**
**ТошМИ ўқитувчиси.**



СУРАТДА: стомотология хирургияси кафедрасининг мудири Н. Мазалова консультация пайтида.



АНАТОМИЯ патологияси кафедрасининг мудири профессор М. Абдуллахўжаева бошчилигида муҳим тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суратда: ўртоқ М. Абдуллахўжаева илмий ходимлар билан амалий машғулот пайтида.

А. Абалян фотолари.

## ИЗЛАНИШ

**Машҳур олим Абу Али ибн Сино жигар касалликларини даволашда тартибли овқатланишнинг аҳамияти катта эканлигини таъкидлаб, «жигар касаллигини даволашда ҳеч ҳатоликка йўл қўймаслик керак» деб ёзган эди.**

**Ҳақиқатан ҳам киши организмида жигарнинг роли жуда ҳам катта. Рус олими И. П. Павлов айтганидек, жигар организмнинг «химия лабораторияси» ҳисобланади. Жигар энг катта овқат безларидан бири, у оқсил, углевод, ёғ, витаминлар ва ҳар хил микроэлементларни ичакка ўтган овқатдан синтез қилиб ажратиб олади, сўнг организмни шу хил моддалар билан таъминлаб туради.**

**Жигарнинг ҳаёт учун жуда зарурлигини қуйидаги мисолдан ҳам билсак бўлади. Жигари олиб ташланган ҳайвон 2—6 соат ичида ҳалок бўлади. Жигар бир суткада 800—1000 мл ўт ишлаб чиқаради. Ўт пуфагида эса жигардан ажралиб чиқадиган ўт йиғилиб туради ва овқат истеъмол қилинганда 12 бармоқлик ичакка қуйилади. Ўтнинг ингичка ичакда парчаланиши ва сурилишининг ҳам аҳамияти катта.**

**Афсуски, шу вақтгача ўтнинг физик-химиявий таркиби яхши ўрганилган эмас. Ўт ажралиши камайиб кетса, организмда катта ўзгариш рўй бериб, кишм ҳалок бўлиши мумкин. Демак, биз ҳар хил ўт пуфаги ва айниқса, жигар касалликлари билан оғриган вақтда ва ундан кейин тўғри овқатланишга катта эътибор беришимиз керак.**

**Жигар ва ўт пуфаги касалланган вақтда ичак ва ошқозон фаолиятлари ҳам бузилади. Бундай ҳолда пархез овқатларини истеъмол қилишга тўғри келади. Касалликнинг турига қараб пархез овқатлари ҳам бир неча хилларга бўлинади.**

**«Боткин» деган ўткир жигар касаллигига мубтало бўлинса, дори-дармон қўллаш билан бирга овқатланишга ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Албатта, бемор соғайиб кетган тақдирда ҳам бир-икки йилгача пархезга амал қилинади. Беморга бериладиган овқат мумкин қадар яхши пиширилган ва юмшоқ бўлиши керак. Чунки, дағал овқатлар ошқозон ва ичак фаолиятини қийинлаштиради.**

**Ёғсизроқ гўштдан пишган қайнатма шўрваларга сабзи, картошка, карам, ширин лавлаги солинса, фойдаси кўп бўлади. Суюқ овқатда пиширилган ёғсизроқ гўштларни ҳам беморларга бериш мумкин. Озгина сарёғ солинган ширгуруч ҳам фойдалидир. Лимон, олма, сабзи, узум, тарвуз, анор, беҳи ва ҳоказолар шифобахш хусусиятга эга. Айниқса, наъматакдан тайёрланган компотлар фойда беради.**

**Жигар ўти касаллиги билан оғриган беморларнинг аччиқ гармдорн, тухум, ёғлиқ гўшт, қовурилган балиқ, қази ва ёғларни истеъмол қилиш ман этилади. Спиртли ичимликлар хавфлидир, чунки беморни сурункали жигар касалига ўтказиб юборади. Бу эса, ўз навбатида жигар раки касалига олиб келади.**

**Ўткир Боткин касаллиги билан оғриган беморлар тузалиб кетганларидан кейин ҳам ҳар 4—6 ойда ўз поликлиника врачларига учрашиб, консультациялар олиб туришлари зарур.**

**Тошкент Давлат медицина институтида академик К. Зуфаров раҳбарлигида бу касалликларни ўрганиш йўлга қўйилди.**

**К. БАҲОДИРОВ,**
**Медицина фанлари доктори, профессор.**

## ФАХРИМИЗ

Аъло ўқиш, жамоат ишларида актив қатнашиш ҳар бир студентнинг бурчидир. Институтимиз студентлари ҳам буни чуқур ҳис қилишади. «... Студентлик даври,— деган эди ўртоқ Л. И. Брежнев студентларнинг Бутуниттифоқ слётида сўзлаган нутқида, — эртанги кунга тайёргарликнинг ўзигина эмас, шу кунни шунчаки кутишнинг ўзигина эмас. Бу давр бугунининг ўзидаги ёркин, мазмунли ҳаётдир. Бу — ғайрат билан ижодий меҳнат қилинадиган, актив жамоат иши олиб бориладиган даврдир».

Дарвоқе, мен шу слётга қатнашиш ва сўзга чиқиш шарафига муяссар бўлдим. Қадрдон институтимиз ҳақида, унинг ажойиб ишлари тўғрисида, ўқишларимиз борасида мароқланиб ҳикоя қилиб бердим, ташаббускор студентларнинг ишларидан мисоллар келтирдим.

Ҳақиқатан ҳам институтдошларимиз томонидан яхши анъаналар яратилган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги оғир бир шароитда даволаш ишларини олиб боришда олий ўқув юрти студентлари ҳам актив қатнашдилар. Айниқса, Улуғ Ватан уруши йилларида катта жасорат кўрсатилди. Ҳозирги пайтда ҳам студентлар кўпгина ташаббуслар билан чиқмоқдалар.

Бугун институтимизнинг шони тўйи. Юбилейга арзигулик совғалар билан келдик. Институтимиз профессор-ўқитувчилари коллективи билан фахрланамиз.

**Ҳамида МАҲКАМОВА,**
**Тошкент Давлат медицина институтининг аълочи студенти.**

## ДОНОЛАР БИСОТИДАН

▲ Шифокор нозик табиатли, доно, ўта фаҳмли бўлиши керак. Фаҳм — жоннинг ҳаракати бўлиб, мавжуд бўлган аломатлардан, яъни пинҳоний сирни ҳам топиб олади.

САМАРҚАНДИЙ.

▲ Касални даволашда шифокор фақат табиатга ёрдам бериши керак, чунки беморни кўпинча табиатнинг ўзи даволайди.

Д. ЗУБРИЦКИЙ.

▲ Шифокорнинг сўзи ҳам даво.

В. Е. РОЖНО.

▲ Ҳақиқий шифокор беморнинг энг яқин ғамхўридир. У ҳеч қачон беморни оғир аҳволда ташлаб кетмайди.

Ф. ЯНОВСКИЙ.

▲ Ким касал бўлишдан қатъий назар, шифокор одамийлик бурчини шараф билан адо этиши керак.

М. ГРАЦИ.

▲ Ёмон ёзувчи, истеъдодсиз рассом, қобилиятсиз актёр бўлиши мумкин, аммо ёмон шифокор бўлиши мутлақо мумкин эмас, бу жиноят!

М. КОНЧАЛОВСКИЙ.

## БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Шифокор! Шу бир сўзнинг ўзида олам-олам мазмун бор. Шарафли касб эгаларининг номи тилга олинганда, кўз ўнгимизда саломатлик посбонлари гавдаланади. Мухбиримиз Тошкент Давлат медицина институтининг таниқли олимларидан бири, микробиология кафедрасининг профессори Абдураҳмон Обидов билан шифокорлик бурчи ва масъулияти ҳақида суҳбатлашди. Қуйидаги ана шу суҳбат эътиборингизга ҳавола қилинади.

**— Ҳурматли Абдураҳмон Обидович, ўз юбилейини нишонлаётган олий ўқув юртингизнинг тутган мавқеи, кадрлар тайёрлашдаги роли ҳусусида нималар айтишни истар эдингиз?**

— Одатда, катта дарёлар кичик ирмоқлардан бошланганидек, Тошкент Давлат медицина институти ҳам дастлаб кичик база асосида шаклланган эди. Эндиликда эса институтимиз Ўрта Осиё республикасидаги барча медицина олий ўқув юртлари ва илмий муассасалар учун илмий ва ўқув маркази бўлиб қолди. Унинг даволаш ва педагогик ишларни уюштиришдаги етакчилик фаолияти ҳам каттадир.

Республикамизда медицина ходимларининг катта армияси етишиб чиқди. Уларни шартли равишда уч авлодга бўлиш мумкин. Институтни ташкил этишда жонбозлик кўрсатган олимлар тўнғич авлодга мансуб бўлса, институт кафедра ва лабораторияларини бошқараётган, шунингдек, республикамиздаги қатор медицина муассасаларига раҳбарлик қилаётган таниқли олимлар иккинчи авлодни ташкил этади. Ҳозирда институт қучоғида таҳсил кўраётган ёшларни учинчи авлодга мансуб деса бўлади.

Ленин мукофотининг лауреатлари Ё. Тўрақулов, Р. Исломбековларнинг муҳим тадқиқотлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, институт ректори Ў. Орипов бошлиқ илмий лабораториянинг тўқималарни кўчириб ўтказиш соҳасидаги илмий ишлари, академик К. Зуфаровнинг гистология бўйича қузатишлари ва бошқа-бошқа ютуқлар ўзбек олимлари номини кенг танитди. Медицина фани олдида турган муҳим масалалар, чунончи, рак, вирус, юрак-қон томирлари касалликларининг ва киши лар ҳаёти учун хавфли бўлган бошқа касалликларнинг олдини оладиган ҳамда уларга барҳам берадиган воситаларни топиш муаммоларини ҳал этишда ўзбек медик олимларининг ҳам қўшаётган ҳиссалари оз эмас.

**— Шифокорнинг асосий фазилати нима билан белгиланади?**

— Қадимги донолардан яхши гап қолган. Табибнинг учта қуроли бўлиши керак: бири ширин гап, иккинчиси, дори-дармон, учинчиси тиғдир.

Ширин гап даволаш воситаси сифатида биринчи ўринга қўйилиши бежиз эмас, албатта. Ширин сўз — беморга дармон. Шундай экан, беморнинг руҳини, унинг кайфиятини яхши гап билан кўтариш ҳар бир шифокор учун хос фазилат бўлмоғи керак. Бу нарса жарроҳликка ҳам тааллуқли дир. Операция олдидан беморнинг кўнглидан қандай ўй-ҳаёллар ўтмайди, дейсиз! Афсуски, орамизда «қош қўяман, деб кўз чиқараётган» айрим шифокорлар ҳам учраб туради. Улар қўпол муомалалари билан бошқалар дилига озор бераётганликларини билишармикан?!

Шифокорга хос яна бир хусусият унинг қилаётган ишида ва юриш-туришида айниқса ёркин намоён бўлади: ҳақиқий шифокор кўпроқ ўзи ишлаётган соҳа олдида турган муаммолар тўғрисида бош қотиради, ўз тажрибаларини бошқалар билан баҳам кўради. Агар у медик олим бўлса, муносиб шогирдлар тайёрлашга бел боғлаши лозим. Ахир, шогирдсиз олим олим эмасда! Шогирдингиз сизни унвонингизга қараб эмас, балки билимингиз ва тажрибангизга қараб ҳурмат қиладику, аҳир! Шунинг учун устоз доим изланувчан, фанга янгилик қўша олувчи бўлиши керак. Шундай олимлар институтимизда кўплаб топилади. Бу ўринда З. Умидова, С. Мақсумов, К. Зуфаров каби олимларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Камтарликда гап кўп: хизматингиз беминнат бўлиш керак, Ҳар биримиз гоявий жиҳатдан камол топган, маданияти юксак ва малакали бўлишимиз зарур. Айниқса, бўлажак шифокорларни ана шу талаб руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир. Аълочи студентларнинг Москвада бўлиб ўтган Бутуниттифоқ слётида шу хусусда яхши гаплар айтилди. Айниқса, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида бу масалага алоҳида аҳамият берилди.

Биз ҳар томонлама билимдон ва ўз касбини жон-дилидан севувчи мутахассис кадрларни тайёрлашга алоҳида аҳамият беришимиз лозимлиги таъкидланди. Институтимизда кадрларни ўқитиш ва тарбиялашда, уларда маънавий гўзалликни таркиб топтиришда ўзига хос анъана яратилди. Бу ҳайрли иш бундан кейин ҳам давом эттирилади.

# СУТ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРАЙЛИК

Областимиз чорвадорлари беш йилликнинг дастлабки йилини муваффақиятли якунлаш учун барча тадбирларни амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда моллар наслини яхшилашга, наслдорликни оширишга ҳал қилувчи соҳа бўлган мустаҳкам ем-хашак базасини яратишга ва чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани чинакамига кучайтиришга эришилмоқда.

Илғор колхоз ва совхозларда гўштга топширилаётган моллариниг тирик вазни белгиланган миқдордан анча юқори бўлмоқда, сигирлардан кўплаб сут соғиб олишга эришилаётир. Областимиз колхоз ва совхозлари 1 ноябрга қадар ҳар бир сигирдан ўртача 1843 килограммдан сут соғиб олдилар. Бу ўтган йилги шу вақтдагига қараганда ҳар сигирдан анча кўп—2680 килограммдан сут соғиб олди. Колхоз чорвадорлари йил охиригача соғиш сигирлардан олинадиган сутни 3 минг килограммга етказиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Область колхоз ва совхозларида чорвачиликни ривожлантиришга, унинг маҳсулдорлигини оширишга алоҳида эътибор бераётган хўжаликларда эса моллар яхши семирмоқда, сигирлардан кўплаб сут соғиб олинмоқда. Янгийўл районидаги Чиноз наслчилик совхоз-техникумининг азамат чорвадорлари ўн ойликда ҳар сигирдан 3319 килограммдан сут соғиб олдилар. Калинин районидаги «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» колхози 2984, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози 2823 килограммдан сут соғиб олиб яхши натижаларни қўлга киритдилар.

Калинин районидаги «Ленин йўли» колхози правлениеси ва партия ташкилоти кейинги йилларда чорвачиликка алоҳида эътибор берабошладилар. Бу ерда колхоз фермасидаги қўлбола бузоқларни парваришлаб, соғин сигирлар сони кўпайтирилди. Уларнинг боқуви яхши йўлга қўйилди, чорвадор ходимларга барча шароитлар яратиб берилди. Шунинг учун ҳам колхоз ўн ойликда булутроги шу вақтдагига қараганда ҳар бир сигирдан анча кўп—2680 килограммдан сут соғиб олди. Колхоз чорвадорлари йил охиригача соғин сигирлардан олинадиган сутни 3 минг килограммга етказиш учун барча тадбирларни кўрмоқдалар.

Область колхоз ва совхозларида сигирлардан сут соғиб олишнинг борпши тўғрисида шу йил 1 ноябргача бўлган маълумотларда нўзга ташланиб турган фантлардан шу нарсани алоҳида таъкидлаш кераки, жуда кўп колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари чорвачилнкка бўлган муносабатларини яхшилаб, наслчилик ҳамда ем-хашак базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берганликлари учун сигирлардан сут соғиб олиш умуман яхши аҳволда.

Лекин шу нарса ачинарлики, ҳали жуда кўп колхоз ва совхозлар ўн ойликда сут соғиб олишда ҳатто область даражасидан ҳам анча орқада қолмоқдалар.

Бўка районидаги уч хўжалик—«Ленинизм», Жамбул номли, Карл Маркс номли колхозлар область маълумотида энг сўнгги ўринларда қолмоқдалар. Шу райондаги Карл Маркс номли колхозда ҳар бир сигирдан энди 899 килограммдан сут соғиб олинибди. Бу аҳвол район партия ва совет ташкилотларига маълум, албатта. Лекин улар колхоз раҳбарларидан чорвачиликка бунчалик нотўғри муносабатда бўлаётганликларини афтидан жиддий талаб қилмаётганга ўхшайдилар. Талабчанлик йўқлигидан фойдаланган колхоз раҳбарлари эса чорвачилнкни ўз ҳолига ташлаб қўйганлар. Бу колхозларда моллариниг наслини яхшилаш, ем-хашак тайёрлаш ишлари жуда қониқарсиз бажарилмоқда. Шунингдек, Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида, Янгийўл районидаги Собир Раҳимов номли, Урта Чирчиқ районидаги Калинин номли колхозларда ҳам сигирлардан сут соғиб олиш жуда қониқарсиз.

Партия ва ҳукуматимиз чорвадорларнинг унумли ишлашлари учун барча шароитларни яратиб бермоқдалар. Бунга жавобан ҳар бир чорвадор ўз зиммасидаги вазифани виждонан бажариши, хўжаликларнинг раҳбарлари чорвачиликка эътиборни яхшилашга ҳаракат қилишлари керак.

Барча колхоз ва совхозларда мол боқувини тубдан яхшилаб, сигирлардан сут соғиб олиш юзасидан берилган топшириқларнинг албатта бажарилиши учун курашайлик.

## *ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ҲАР БОШ СИГИРДАН СУТ СОҒИБ ОЛИШ ЮЗАСИДАН ШУ ЙИЛ 1 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ*

## КОЛХОЗЛАР

| | | |
|---|---|---|
| 1. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» | 2984 | Калинин |
| 2. «Политотдел» | 2823 | Юқори Чирчиқ |
| 3. «Ленинизм» | 2700 | Янгийўл |
| 4. «Ленин йўли» | 2680 | Калинин |
| 5. Свердлов номли | 2624 | Юқори Чирчиқ |
| 6. Калинин номли | 2530 | Калинин |
| 7. «Ленинский путь» | 2443 | Юқори Чирчиқ |
| 8. «Правда» | 2382 | Юқори Чирчиқ |
| 9. Димитров номли | 2350 | Оққўрғон |
| 10. «Поляриая звезда» | 2336 | Ўрта Чирчиқ |
| 11. Ленин номли | 2265 | Калинин |
| 12. «Победа» | 2172 | Оққўрғон |
| 13. К. Маркс номли | 2165 | Калинин |
| 14. Навоий номли | 2150 | Калинин |
| 15. «Заря коммунизма» | 2138 | Оққўрғон |
| 16. «Октябрь» | 2094 | Оржоникидзе |
| 17. «Октябрь 40 йиллиги» | 2035 | Бўка |
| 18. К. Маркс номли | 2008 | Юқори Чирчиқ |
| 19. «Коммунизм» | 1997 | Янгийўл |
| 20. Энгельс номли | 1994 | Ўрта Чирчиқ |
| 21. Оржоникидзе номли | 1988 | Калинин |
| 22. Свердлов номли | 1976 | Оққўрғон |
| 23. Ленин номли | 1969 | Оққўрғон |
| 24. Охунбобоев номли | 1952 | Калинин |
| 25. С. Раҳимов номли | 1930 | Калинин |
| 26. «Интернационал» | 1910 | Янгийўл |
| 27. Ильич номли | 1906 | Калинин |
| 28. Ҳамза номли | 1892 | Оққўрғон |
| 29. «Қизил Ўзбекистон» | 1884 | Оржоникидзе |
| 30. «Қизил Октябрь» | 1868 | Янгийўл |
| 31. «Октябрь 40 йиллиги» | 1838 | Янгийўл |
| 32. Н. Ниёзов номли | 1836 | Янгийўл |
| 33. Ленин номли | 1833 | Оржоникидзе |
| 34. К. Маркс номли | 1833 | Бўстонлиқ |
| 35. «Ўзбекистон» | 1827 | Юқори Чирчиқ |
| 36. «Партия XX съезди» | 1820 | Калинин |
| 37. «Коммунизм» | 1818 | Бўка |
| 38. «Коммунист» | 1816 | Оржоникидзе |
| 39. «Ленинобод» | 1805 | Юқори Чирчиқ |
| 40. Фрунзе номли | 1802 | Янгийўл |
| 41. Киров номли | 1773 | Оржоникидзе |
| 42. Вотинцев номли | 1754 | Оққўрғон |
| 43. Х. Турсунқулов номли | 1753 | Янгийўл |
| 44. Киров номли | 1746 | Янгийўл |
| 45. «Ленин йўли» | 1744 | Ўрта Чирчиқ |
| 46. Ленинград» | 1738 | Оққўрғон |
| 47. Калинин номли | 1725 | Пискент |
| 48. «Маданият» | 1724 | Оржоникидзе |
| 49. К. Маркс номли | 1716 | Ўрта Чирчиқ |
| 50. Жданов номли | 1711 | Бўстонлиқ |
| 51. Жданов номли | 1706 | Янгийўл |
| 52. Энгельс номли | 1686 | Оққўрғон |
| 53. «Северний маяк» | 1681 | Ўрта Чирчиқ |
| 54. Охунбобоев номли | 1665 | Ўрта Чирчиқ |
| 55. Ленин номли | 1637 | Янгийўл |
| 56. Ленин номли | 1635 | Ўрта Чирчиқ |
| 57. Ленин номли | 1619 | Пискент |
| 58. Калинин номли | 1607 | Янгийўл |
| 59. Фрунзе номли | 1578 | Бўстонлиқ |
| 60. «Москва» | 1574 | Калинин |
| 61. «Озод» | 1560 | Оққўрғон |
| 62. «Правда» | 1554 | Оржоникидзе |
| 63. Куйбишев номли | 1537 | Калинин |
| 64. Куйбишев номли | 1514 | Оққўрғон |
| 65. Навоий номли | 1507 | Оққўрғон |
| 66. «Қизил ту» | 1505 | Бўстонлиқ |
| 67. «Гулистон» | 1491 | Оққўрғон |
| 68. Ленин номли | 1484 | Бекобод |
| 69. Икромов номли | 1461 | Ўрта Чирчиқ |
| 70. Навоий номли | 1456 | Бекобод |
| 71. Мичурин номли | 1455 | Бўка |
| 72. Киров номли | 1450 | Оққўрғон |
| 73. «Гулистон» | 1443 | Юқори Чирчиқ |
| 74. Фрунзе номли | 1434 | Бўка |
| 75. «Партия XXII съезди» | 1422 | Ўрта Чирчиқ |
| 76. «Москва» | 1408 | Янгийўл |
| 77. Куйбишев номли | 1406 | Ўрта Чирчиқ |
| 78. «Ленин йўли» | 1406 | Бўка |
| 79. Тимирязев номли | 1404 | Бўка |
| 80. «Партия XIX съезди» | 1403 | Бўка |
| 81. «Москва» | 1402 | Оққўрғон |
| 82. Ҳамза номли | 1401 | Бўка |
| 83. «Коммуна» | 1358 | Юқори Чирчиқ |
| 84. К. Маркс номли | 1394 | Оққўрғон |
| 85. «Ленинизм» | 1388 | Оққўрғон |
| 86. «Ленинград» | 1387 | Бўстонлиқ |
| 87. «Ленинобод» | 1374 | Бўка |
| 88. «Гулистон» | 1372 | Пискент |
| 89. Калинин номли | 1370 | Бўстонлиқ |
| 90. «Партия XXII съезди» | 1365 | Оққўрғон |
| 91. Энгельс номли | 1362 | Юқори Чирчиқ |
| 92. Свердлов номли | 1351 | Ўрта Чирчиқ |
| 93. «Ленинобод» | 1347 | Оққўрғон |
| 94. Х. Олимжон номли | 1345 | Оққўрғон |
| 95. Навоий номли | 1344 | Янгийўл |
| 96. «Қозоғистон ССР 30 йиллиги» | 1323 | Бўстонлиқ |
| 97. Охунбобоев номли | 1317 | Пискент |
| 98. «Победа» | 1315 | Бекобод |
| 99. Дзержинский номли | 1296 | Бекобод |
| 100. Терешкова номли | 1291 | Ўрта Чирчиқ |
| 101. Охунбобоев номли | 1286 | Янгийўл |
| 102. Энгельс номли | 1280 | Янгийўл |
| 103. «Коммунизм» | 1275 | Ўрта Чирчиқ |
| 104. Охунбобоев номли | 1263 | Оққўрғон |
| 105. Калинин номли | 1255 | Юқори Чирчиқ |
| 106. «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» | 1241 | Янгийўл |
| 107. Тельман номли | 1235 | Пискент |
| 108. Свердлов номли | 1231 | Пискент |
| 109. «Коммунизм» | 1225 | Бекобод |
| 110. Калинин номли | 1213 | Оққўрғон |
| 111. Ильич номли | 1188 | Бўка |
| 112. К. Маркс номли | 1182 | Янгийўл |
| 113. «Коммунизм» | 1169 | Оққўрғон |
| 114. «Партия XXI съезди» | 1145 | Янгийўл |
| 115. Калинин номли | 1131 | Ўрта Чирчиқ |
| 116. «Партия XX съезди» | 1035 | Бўка |
| 117. С. Раҳимов номли | 1031 | Янгийўл |
| 118. «Ленинизм» | 1000 | Бўка |
| 119. Жамбул номли | 976 | Бўка |
| 120. К. Маркс номли | 899 | Бўка |

## СОВХОЗЛАР

| | | |
|---|---|---|
| 1. «Чиноз» | 3319 | Янгийўл |
| 2. «Ўрта сарой» | 2591 | Ўрта Чирчиқ |
| 3. «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» | 2501 | Оққўрғон |
| 4. «Қибрай» | 2444 | Оржоникидзе |
| 5. «Химик» | 2427 | Оржоникидзе |
| 6. «Қорасув» | 2421 | Калинин |
| 7. «Келес» | 2389 | Калинин |
| 8. «Галақудуқ» | 2367 | Оҳангарон |
| 9. «Олмазор» | 2320 | Янгийўл |
| 10. «Дўрмон» | 2309 | Оржоникидзе |
| 11. «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси | 2293 | Калинин |
| 12. I-«Оҳангарон» | 2270 | Оҳангарон |
| 13. 2-«Далварзин» | 2274 | Бекобод |
| 14. «Паркент» | 2229 | Юқори Чирчиқ |
| 15. «Партия XXI съезди» | 2193 | Калинин |
| 16. «Қуйи Чирчиқ» | 2180 | Оққўрғон |
| 17. I-«Далварзин» | 2160 | Бекобод |
| 18. I-«Оққўрғон» | 2106 | Оққўрғон |
| 19. I-«Пискент» | 2104 | Пискент |
| 20. «Тошкент» | 2044 | Калинин |
| 21. «Дамачи» | 1984 | Калинин |
| 22. «Юқори Чирчиқ» | 1905 | Юқори Чирчиқ |
| 23. 3-«Оҳангарон» | 1892 | Оҳангарон |
| 24. Тошкент от заводи | 1883 | Оҳангарон |
| 25. 2-«Пискент» | 1865 | Пискент |
| 26. «Бўка» | 1864 | Бўка |
| 27. 2-«Назарбек» | 1775 | Калинин |
| 28. 2-«Тошкент» | 1759 | Калинин |
| 29. С. Сегизбоев номли | 1740 | Оққўрғон |
| 30. «Бўзсув» | 1714 | Калинин |
| 31. «Октябрь 50 йиллиги» | 1666 | Бекобод |
| 32. I-«Назарбек» | 1664 | Калинин |
| 33. I-«Тошкент» | 1611 | Калинин |
| 34. У. Юсупов номли комбинат | 1565 | Янгийўл |
| 35. «Олмалиқ» | 1551 | Оҳангарон |
| 36. «Кўкорол» | 1534 | Бўка |
| 37. Свердлов номли | 1529 | Янгийўл |
| 38. Вахрушев номли | 1454 | Пискент |
| 39. Ойбек | 1385 | Бекобод |
| 40. 4-«Оҳангарон» | 1385 | Оҳангарон |
| 41. «Коммунизм» | 1381 | Оққўрғон |
| 42. Хўжакент» | 1361 | Бўстонлиқ |
| 43. «Партия XXIV съезди» | 1343 | Янгийўл |
| 44. 3-«Далварзин» | 1218 | Бекобод |
| 45. 2-«Оҳангарон» | 1122 | Оҳангарон |
| 46. «Бўстонлиқ» | 1069 | Бўстонлиқ |
| 47. «Ленинград» | 995 | Бекобод |

# ЭНГ ЯХШИ ПОСЕЛКА УЧУН КОНКУРС

Совхоз ва колхоз поселкаларини энг яхши қурганлиги ва обод қилганлиги учун ўтказиладиган республика кўрик-конкурсида иштирок этиш учун йигирма етти совхоз ва колхоз посёлкаси қўйилди. Булар — область комиссиялари конкурснинг асосий қондаларига мувофиқ танлаб олган энг яхши қишлоқ шаҳарчаларидир. Бу шаҳарчалар бош план асосидагина қурилмоқда, улар электрлаштирилган, қўкаламзорлаштирилган бўлиб, спорт майдончаларига, обод йўл ва йўлакларга, водопроводга эга. Шундай қилиб, бу посёлкалар қишлоқ аҳолисининг меҳнат қилиши, яшаши ва дам олиши учун энг қулай шароитларни таъминлайди. Конкурснинг биринчи босқичи Совет ҳокимиятининг 55 йиллиги кунида якунланади.

Мана, масалан, Хўжаобод районидаги «Ленинизм» колхозининг посёлкасини ҳозир шундай кўриш мумкин. Кўчаларнинг икки ён томонида замонавий лойиҳалар асосида қурилган қатор-қатор цинам ғиштин уйлар. Бу уйларнинг ҳар бирида ёруғ хоналари, ошхонаси ва ваннаси бўлган цинам икки квартира бор. Уйлар электр, табиий газ, сув билан таъминланган, уларга канализация ўтказилган.

Уйларнинг атрофига мевали дарахтлар, ток ўтказилган, гулзорлар барпо этилган. Поселканинг ҳамма ёғи кўм-кўк дарахтзор, кўчалар соя-салқин хиёбонларга ўхшаб кетади.

Поселкада жамоат бинолари маркази ҳам бор. Хиёбон билан ёнма-ён колхоз правленнесининг биноси, 400 кишн сигадиган томоша зали бўлган клуб қад кўтариб турибди. Шу ернинг ўзида янги бино барпо этилади. Бу бино қурнб битказилгандан кейин унга магазинлар, ошхона, маиший хизмат кўрсатиш комбинати, меҳмонхона жойлаштирилади. Поселка марказидан сал нарида уч қаватли мактаб, болалар боғчаси ва ясллси кўзга ташланиб турибди.

Колхозчилар ўз олдиларига яқин вақт ичида барча асосий объектларни қуриб битказиш, кўчаларга асфальт ётқизиш, ҳордиқ чиқариш учун қулай жой—парк ва кўл барпо этиш вазифасини қўйдилар.

Ҳозир бошқа қишлоқ шаҳарчаларида ҳам кўрик-конкурсга зўр тайёргарлик кўрилмоқда.

(ЎзТАГ).



ПОЛЬША саноат корхоналарининг коллективлари Польша Бирдашган Ишчи партиясн VI съезди шарафига қўшимча мажбуриятлар олиб меҳнат қилишмоқда. Жумладан, Рибница ҳавзасидаги тошкўмир шахталарининг кончилари бу йилнинг ўзидаёқ планга қўшимча равишда 155 минг тонна кўмир қазиб чиқариб, ўз мажбуриятларини яна 120 минг тоннага оширдилар.

Суратда: шу ҳавзадаги «Зофиовка» шахтасининг энг яхши кончиларидан бир группаси.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

# КУБАДА ФОТОВИСТАВКА ОЧИЛДИ

ГАВАНА. (ТАСС). Гаванада «Куба билан СССРнинг қардошларча дўстлиги» деган фотовнставка тантанали вазиятда очилди. Куба—Совет дўстлиги уюшмаси ташкил этган выставканинг кўпгина материаллари ҳар икки мамлакат ўртасидаги қардошларча муносабатларнинг ривожланиш тарихини акс эттиради. Фотосуратларда Куба ва Совет тупроғида ҳар икки халқ вакилларининг учрашиш пайтлари, шу жумладан, Куба революцион ҳукуматининг бош министри Фидель Кастро Совет Иттифоқида ва СССР Министрлар Советининг раиси А. Н. Косигин Кубада шодиёна кутиб олинганлиги ифодаланган.

Куба—Совет дўстлиги уюшмасининг вице-президенти Сойло Марнельо выставкани очиш маросимида нутқ сўзлаб, выставка Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 54 йиллиги байрами ва Куба—Совет дўстлиги уюшмасининг етти йиллигига бағишлаб очилганлигини таъкидлаб ўтди.

# Дунё овози
## чет эл хабарлари

## ДЎСТ ҚЎШНИГА ЁРДАМ

АФҒОНИСТОНнинг шарқиншимолидаги тоғли районлар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур моллар билан таъминлашда табиий офат натижасида вужудга келган қийинчиликлар муносабати билан Афғонистон ҳукумати Совет ҳукуматига мурожаат қилиб, ана шу районларнинг аҳолисига ёрдам кўрсатишни илтимос қилди.

Совет ҳукумати СССР билан Афғонистон ўртасида мавжуд самимий дўстлик ва яхши қўшничилик туйғуларига амал қилиб, Афғонистоннинг шарқиншимолий районлари аҳолисига шакар, газлама, қишлоқ хўжалик қурол ва асбоблари, керосин ва бошқа моллар етказиб беришга қарор қилди.

## Ф. КАСТРОНИНГ ЧИЛИДА БЎЛИШИ

АНТОФАГАСТА, 13 ноябрь (ТАСС махсус мухбири). Расмий дўстона визит билан Чилида меҳмон бўлиб турган Куба революцион ҳукуматининг бош министри Фидель Кастро бошчилигидаги Куба ҳукумат делегацияси мамлакат бўйлаб сафар қилмоқда. Кеча ҳурматли меҳмонлар Антофагаста вилоятининг маркази—Антофагаста шаҳрига келдилар.

Куба ва Чили давлат байроқлари билан ҳамда «Хуш келибсиз ўртоқ Фидель» шиори билан безатилган «Серро Морено»» аэропортида Фидель Кастрони кончилик саноати министри Орландо Кантуарнас, меҳнат ва соцнал таъминот министри Хосе Ойярсе, Антофагаста шаҳрининг мэри Герман Мирич, Чили жамоатчилигининг вакиллари кутиб олдилар.

Куба ва Чили давлат гимнлари янграйди. Тўплардан отилган салют садолари эшитилади. «Яшасин Куба—Чили дўстлиги» хитоблари эшитилади.

Фидель Кастро ва унинг ҳамроҳлари Антофагаста шаҳрига йўл оладилар. Шаҳар аҳолиси Куба делегацияси бошлигини самимий табриклайди, Латин Америкасидаги биринчи социалистик давлатга чилиликларнинг дўстлик ва бирдамлик ҳис-туйғуларини ифода этади.

Антофагаста мэри Герман Мирич Куба делегациясига шаҳар калитини топширади ва Фидель Кастрони шаҳарнинг фахрий граждани деб эълон қилади.

## ИХТИЛОФЛАР КЕСКИНЛАШМОҚДА

АҚШ молия министри Ж. Коннэли Японияга келди, У бош министр Сато билан, молия министри Мидзута ва Япония ҳукуматининг бошқа аъзолари билан учрашди. Коннэли Қўшма Штатларда долларни омон сақлаб қолиш ҳусусидаги фавқулодда программанинг автори ҳисобланади. Бу программа Америкапинг жаҳон бозоридаги рақиблари ва аввало Япония позицияларига қаттиқ зарба урди.

Америка матбуоти Коннэлининг Токиога қилган визитини шарҳлаб, бу сафардан кузатилган мақсад Японияни янги қурбонлар беришга мажбур қилишдан иборат бўлганлигини асло яшираётгани йўқ. Бунда гап, жумладан япон иенасини 15 процент ревальвация қилишга эришиш устида бораяпти. Бундан ташқари Вашингтон Япония тўқимачилик маҳсулотини АҚШга экспорт қилишни чеклаш тўғрисида 15 октябрда Япония билан имзоланган шартномага қўшимча равишда Японияниинг бошқа товарларини ҳам, аввало автомобиллар, ҳисоблаш машиналари ва телевизорларни АҚШга экспорт қилишни «ихтиёрий равишда» қисқартиришга ҳам ҳаракат қилмоқда. Ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳаракат Япония—Америка ихтилофларини янада кескинлаштиришга олиб келмай иложи йўқ.

Г. ШИШКИН. (ТАСС).

## МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

● БОНН. Шимолий Вюртемберг ва Шимолий Баден (ГФР) районларининг металлни қайта ишловчи ва металлургия саноати ишчи, хизматчиларидан 115,000 дан ортиқ киши қисқа муддатли забастовкаларда қатнашди. Улар меҳнат шароитини яхшилашни, иш ҳақини оширишни талаб қилган металлистлар касаба союзининг талабини қондиришдан бош тортган корхона эгаларининг позицияларига қарши норозилик билдирдилар.

● ЛОНДОН. Бристолдаги «Роллс-Ройс» авиамотор заводларининг 6.000 дан ортиқ ишчиси забастовкани давом эттиришга қарор қилди. Авиасозлар иш ҳақи оширилишини талаб қилмоқдалар.

Бристолдаги «Роллс-Ройс» заводлари бу фирманинг яқингинада бўлиб ўтган молиявий инқирозидан сўнг ҳукумат назорати остида Англия—Франциянинг «Конкорд» самолёти ва «Харриер» реактив қирувчи самолёти учун двигателлар ишлаб чиқариш бўйича буюртмаларни бажаряпти.

● БАЙРУТ. Ливан давлат сектори автотранспорт компаниялари ишчи ва хизматчиларининг олти кун давом этган забастовкаси механикашларнинг талабаси билан тугади. Маъмурият меҳнат шароитини яхшилаш тўғрисидаги, бир қанча солиқларни бекор қилиш ва касаба союз вакилларини корхона, муассасаларнинг маъмурий кенгашларига киритиш тўғрисидаги уларнинг талабини қондиришга мажбур бўлди.

● НЬЮ-ЙОРК. Барбадос пойтахтида докерларнинг забастовкаси давом этмоқда. Забастовка пойтахт портида ишни батамом тўхтатиб қўйди. Бу ҳақда АП агентлигининг мухбири Бриджтаундан хабар берди. Ишчилар иш ҳақи кўпайтирилишини ва меҳнат шароити яхшиланишини талаб қилмоқдалар.


(ТАСС).



ВЕНГРИЯДАГИ Сексард заводи қишлоқ хўжалигини кўплаб янги техникалар билан таъминламоқда. Корхона лавлагини йиғиштириб олувчи машиналар ишлаб чиқармоқда. Суратда: лавлаги йиғиштириб олувчи янги машиналар.

МТИ — ТАСС фотоси.

# ТОШМИНИНГ БЎЛАЖАК БИНОСИ



ТОШКЕНТ Давлат медицина институти биносининг янги комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Бу ер медицина шаҳарчасига айланади. Янги комплексда ўқув корпуси билан бир қаторда шифохона, кутубхона, спорт майдончалари ҳам жойлашади. Суратда: институт биноси янги комплексининг макети.

Андрей СОЛОВЬЕВ.

# ҚИРҚ ТЎРТИНЧИ ЙИЛ СЕНТЯБРИДА

— Ёдингда бўлсинки, бу бизнинг охирги умидимиз. Бордику, иш расво бўлса... Айтмоқчи, бутун шароитни мендан яхши биласан. Бизнинг омадимиз юришмаётгани фюрерни ҳолдан тойдирди. 20 июлда ўзига қилинган суиқасддан сўнг ҳаммани душман ё сотқин деб шубҳа қилянти. Операцияни асло барбод қилиш мумкинмас. Ўйлайманки, агент ишни иложи борича тез бажаради. Энг сўнгги муддат — русларнинг ноябрь байрами — ё олтинчи ноябрда Совет ҳукумати Большой театрда тантанали мажлис ўтказаётганида, ёхуд эртасига Қизил майдонда намойиш вақтида... Нима қилиб бўлса ҳам, уқдингми, Отто?

1944 йил 4 сентябрда кечаси «Русланд-Норд»нинг ҳўмрайиб турган кулранг биносидан учта енгил машина чиқиб келди. Машина ялтираган ярадоридан чиққан ингичка нур билан зулматни кесиб, Риганинг бўмбўш кўчаларидан ўтди, сўнг шаҳар ташқарисига, қишлоқ йўлига чиқди. Йўл нотекис, ўнқир-чўнқир бўлганидан шофер тезликни камайтирмоқчи эди, бироқ орқа ўриндиқда сакраб-сакраб бораётган Хенгельгаупт тезроқ юришни буюрди. Краус бўлса дамба-дам орқага қараб қўярди — улар кетидан асосий ролни ижро этувчи Таврин ҳамда Шилова тушган машина келарди.

Қирқ минут юргач, ҳаммалари белгиланган жойга, «Русланд Норд» нинг ниҳоятда сир тутилган ва зўр бериб қўриқланаётган дала аэродромига етиб келишди. Тўппа-тўғри самолёт олдида тўхташди. Бир неча кўк лампа билан гира-шира ёритилган самолёт каталиги билан ҳайрон қолдирарди. Ўн етти метр узунликдаги юаска билан у баландликда тимқора булутли осмон билан қўшилиб, уланиб кетгандек ниҳоясиздек кўринарди. Тўртқанотли винтлари бўлган моторлари билан баҳайбат ҳайвонга ёпишиб олган саккизоёқ жониворни эслатарди.

Экипаж командири «Ҳаммаси жойида, самолёт учишга тайёр!» деб хабар қилди. Хенгельгаупт қўл олишиб, бир-икки оғиз гаплашиб, хайрлашди. Ниҳоят, самолёт ердан оҳиста кўтарилиб, тун зулмати ичида ғойиб бўлди.

## Кўҳликкина хонимнинг иши

Мотоцикл охирги тезликда дала йўлидан учиб боряпти. Мана, оппоқ тонг ёришди. Олдинда ўрмон чегарасидаги йўл бўйида уйлар кўриниб қолди. Қандайдир қишлоқ бўлса керак. Мана, у ўзи турган жойни аниқласа бас — тўрт томони қибла! Бу фикрдан бироз хотиржамланиб, мотоцикл рулини маҳкамроқ қисди. Ёруғ олам унга энди қоронғу эмасдек туюларди.

«Ишқилиб, узоқроқ кетсам бўлгани...»

Бироқ, Таврин билан Шилова, худди ҳўжайинлари каби ўз тақдирлари энди ҳал бўлганини, Хенгельгаупт ҳам, Краус ҳам ўзларини ташлаб кетганини билишмасди...

Ўша август ойидаёқ. Кальтенбруннер «Арадо-332» қўнадиган районни ҳамда операцияни амалга ошириш муддатларини тасдиқланганидан кейин, оберштурмбанфюрер Хенгельгауптнинг ишончли ходимларидан бири мужазгина тунги қаҳвахонанинг қўҳликкина эгаси фрау Зейфертга Париж атирларининг ҳашаматли туркумини совға қилди. Хоним эриб кетиб, кўзларидан ёш чиққудек бўлди, у қаҳвахонадагиларнинг қарсаклари остида бахтиёр мижозга ўпич берди.

Меҳмонлар хоним билан хайрлашиб, иссиққина қаҳвахонадан чиқиб кетишди. Тун яримлаб қолган пайтда фрау Зейферт ўз ётоғида эшикни қулфлаб, ўткир пичоқ билан атир қутичанинг ён деворини очди ва пуштироқ ипак билан устунма-устун рақамлар зич ёзилган қоғоз лентачасини топди. Чап бурчак томонда кичкина белги бўлиб, «бу—гоят муҳим маълумот, уни тезда марказга етказиш лозим», деган маънони билдирарди. Эрталаб соат учда хоним кичик бир люк орқали зиналардан ерости бункерига тушиб келди ва ўзига маълум тўлқинга аппаратни мослаб, шифрланган маълумотни икки бор эфирга юборди...

Эрталаб «Смерш» контрразведкаси бош бошқармасининг столи устида шифр билан радиограмма пайдо бўлди. Унда берлинлик манба томонидан сентябрь бошида Смоленск ёки Калинин областига ҳатто ўрмон ялангликида ҳам қўноладиган янги хил тунги десант самолётидан Совет Армияси офицери қиёфасида махсус ўқитилган террорчи агент ва унинг аёл шериги ташланиши, улар СССР Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондонига суиқасд қилиш мақсадида юборилаётгани ҳақида ёзилган эди.

Мазкур радиограмма Смоленск ўрмонларида 1944 йил июнь ойида совет контрразведкачилари қўлга туширгач ҳамда десант самолётини тунда қўндириш учун майдон излаётган фашист парашютчиларининг маълумотлари билан солиштирилди. Булар бир занжирнинг ҳалқалари эканлиги аниқ бўлди.

Худди шу куниёқ ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўмондонлигига бу ҳақда хабар қилинди. Смоленск ва Калинин областларидаги оператив қидирув чекист-хизмати тайёргарлик ҳолатига келтирилди. Контрол ўтказиш пунктлари, автоинспекция, йўл ишчилари ва ўрмончилар қиёфасидаги ҳаракатдаги постлар (улар составига чекистлар, Совет Армияси жангчилари билан бирга маҳаллий аҳоли ҳам киритилганди) Ржев ва Вязьма яқинидаги асосий йўлларни эгалладилар. Махсус ажратилган группалар ҳавони куну-тун кузатиб турдилар. Қўлга тушган фашист парашютчилари танларам қўниш майдончасига алоҳида аҳамият берилди. Бу жой координатларини немислар қўлга олинмасдан илгари эфирга узатишга улгурган эдилар. Ана шу жойда махсус пистирма ташкил этилди.

«Арадо» самолёти 5 сентябрь кеч тунда булутдан юқори баландликда учиб келиб, ўзининг тўртта мотори билан охирги бор ердан кўтарилишга уриниб, тунги сукунатни бузганида штаб хонасида шартли радио сигнали янгради. Энди террорчилар ерга қўнган жойларидан қанчалик узоқлашишга, мотоциклни жон-жаҳдлари билан тез ҳайдаб узоқроққа кетишга уринмасинлар, барибир атрофларидаги кўзга кўринмас ҳалқа тобора торайиб бораверди.

...Мотоцикл учиб келиб, қандайдир қишлоққа келиб қолди, уни кесиб ўтди-да энг четдаги уй олдида тўхтади. Таврин эшикка чиққан йигитчадан Ржевга қайси йўл билан борилишни сўради. Йигитча иқиноқ келиб, лойга булганган нотаниш одамларга қараб, қаёқдан бориш кераклигини батафсил тушунтирди. Мотоцикл жойидан қўзғалиб, бурилишда ғойиб бўлди...

Орадан бирмунча вақт ўтгач, оператив штабга қуйидаги мазмунда радиограмма юборилди: Смоленск областининг Карманово районида иккита пассажир — Совет Армияси ҳарбий хизматчилари формасидаги аёл ва эркак пайдо бўлгани аниқланди, улар Ржев йўлини суриштиришди.

Дарҳол шу атроф координаталари аниқланиб, ҳалигиларнинг эҳтимол тутилган йўл маршрути белгиланди, фашист самолёти қўнган жой ҳақидаги маълумотлар билан солиштириб кўрилди. «Меҳмонлар»ни қўлга олиш чоралари кўрилди.

## Ҳалокатга маҳкум бўлганлар

НКВДнинг Карманово район бўлими чекистлари, ҳарбий комиссариат офицерлари ва маҳаллий партия, совет активи вакиллари террорчиларни қўлга тушириш учун жўнаб кетишди.

Улар бир неча қидирув группаларига бўлиниб, районнинг магистрал шоссесига олиб борувчи ҳамма йўлларни ёпиб қўйишди. Террорчиларни топиб, уларни тириклайин қўлга олиш вазифаси қўйилди. Фақат тириклайин! Топшириқнинг характери уни бажариш йўллари, совет территориясидаги жиноятқорона алоқалар, СССРга ташланишга тайёрланаётган шахслар тўғрисида аниқ маълумотлар олиш зарур эди.

...Йўлни кесиб ўтадиган кичкина ялангликдан мотоцикл чиқиб келди. Таврин патруль ва унинг ишорасини фаҳмлаб, истар-истамай тормоз беради. Ҳужжат ва йўл рухсатномани кўрсатинг, деган илтимосни эшитиб, бамайлихотир курткасини ечиб, гимнастёркасининг кўкрак чўнтагидан «Смерш» ходимининг гувоҳномасини чиқаради, патрулларга Қаҳрамонлик Олтин Юлдузи ва жанговар орденларини кўрсатиб, атайин шошмайди.

Наряд бошлиғи шахсий гувоҳномани, командировка ҳоғозини ва руҳсатномасини синчиклаб кўрадида:

— Ўртоқ майор! Бизни кечиринг, аммо командировка нотўғри расмийлаштирилибди. Сизни йўлда, КППда ўшлаб ўтирмасликлари учун, мен билан юринг, керакли муҳрни босиб бераман.

Таврин ўзини йўқотиб қўйиб, «мен алоҳида муҳим давлат топшириғини бажаряпман, вақтим зиқ» деб ўшқирди, аммо ўзини қўлга олиб, беҳуда шов-шувга сабаб бўлмаслик учун патруль билан уйга қараб юради.

...Бир дақиқалик олишув. Таврин ҳали нима бўлганини фаҳмлашга улгурмаёқ, қўллари орқасига боғлоқлик ҳолда, атрофидаги кишиларга қарайди. Кейин бундай «ўзбошимчалик»ка қарши норозилик билдиришга уринади, аммо сал ўтмай ҳовридан тушади. Уйга мотоциклдан радиостанцияни, снарядлар билан «пандернаке»ни, магнитли радиофугасли бомбаларни, турли система ва қалибрдаги тўпончаларни, 300 дан ортиқ ўқ-дори ва граната ларни келтириб қўйишди. Соф партия билетлари, паспортлар, ҳарбий, партия, совет муассаса ва корхоналарининг хилма-хил бланклари, муҳр ва штамплар, босмахонанинг металл ва каучукдан ишланган ҳарф туркумлари, яна алақанча нарсалар стол устига қўйилади.

Москвага операция муваффақиятли тугагани ҳақида «молния» хабари юборилади...

**Русчадан ИЛҲОМ СУЛТОНОВ таржимаси.**
(«Смена» журнали, 18, 19-сонлари).

# ОЙ БОРИБ, ОМОН ҚАЙТИНГ

(ЧАҚИРУВ ПУНКТИДАН РЕПОРТАЖ)

Ўлкамизда саҳий куз кезиб юрибди. Дарахтлардан барг-ҳазонлар чирт-чирт узилиб оёқ остига тўшалади. Ҳа, олтин кузнинг юртимизда ўзгача гашти бор. Бу фаслда кимдир узоқ сафарга йўл олади, кимдир она юрт хизмати учун ўз бурчини адо этишга шайланади.

Мана бир неча кундирки, ҳарбий хизматга чақирув пункти одамлар билан гавжум. Бу ерда Совет Қуролли Кучлари сафига йўл олаётган балоғат ёшидаги йигитлар, ўғилларини хизматга жўнатаётган ота-оналарни кўриш мумкин. Йигитлар ҳаяжонли дақиқаларни бошдан кечиришяпти.

Хизматга кетаётган йигитлар, ота-оналар билан суҳбатлашамиз. Мана, бу киши Аҳрор Содиқов—Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи.

— Ҳар бир йигит учун Ватан олдидаги хизмат бурчини ўташ муқаддасдир. Ҳозир замон тинч. Ўғилларимиз хизмат даврида ҳарбий билимларни пухта эгаллаб, чиниқиб, камол топиб келишади. Биз ота-оналар, шундан бахтиёрмиз.

Суҳбатимизга Чирчиқ шаҳридаги медицина санитария бўлимининг врачи, запасдаги офицер Искандар ака Рашидов қўшилди. Искандар ака Улуғ Ватан урушн даҳшатларини ўз бошидан кечирган. Она юртимизни душманлардан ҳалос этиш учун Совет Армияси сафида ётти йилдан кўпроқ хизмат қилган. Унинг уч ўғли ҳозир Совет Қуролли Кучлари сафида. Бугун у бу ерга тўртинчи ўғил—Исмоилжонни хизматга жўнатиш учун келган.

Агитпунктга кираверишда «Юртдошларингиз шундай хизмат қиляпти» витринаси кўзга ташланади. Витринада кўкрак нишонлари порлаб турган ўнлаб йигитларнинг суратлари. Уларни бирин-кетин ўқий бошлаймиз. Акромов Мамасоли Тинч океан ҳарбий флотида хизмат қилмоқда. Мамасоли қисқа давр ичида яхши интизоми, ҳарбий билимларни пухта эгаллаб, машқларни аъло даражада бажараётганлиги билан ўртоқлари ва командирлари орасида тез шуҳрат топди. Унинг кўкрагини бир қанча нишонлар безаб турибди.

Наримон Мустафоев, Мамажон Комилов, Санжар Амиров каби ҳамшаҳарларимиз ҳам аъло хизмати билан ўрнак бўлган. Витринага тикилиб қараб турган ёшлар ҳамшаҳарларидек хизмат қилишга, ота-оналари, Ватан ва партия ишончини оқлашга интилишади.

Ҳарбий хизматга жўнаётган йигитлар учун агитпунктда қизиқарли учрашувлар, граждан лар уруши ҳамда Улуғ Ватан уруши қатнашчилари иштирокида суҳбатлар уюштирилмоқда. Шундай суҳбатлардан бирини икки уруш қатнашчиси, Округ офицерлар уйидаги ветеранлар Советининг аъзоси Жўра Алимов ўтказди. У «Совет ҳокимияти учун биз қандай жанг қилган эдик?» деган мавзуда гапириб берди.

Йигитлар бир қаторга сафландилар. Таниш музика жаранглайди. Ҳарбий хизматга кетаётганлар шарафига бағишланган митингни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ҳ. Асомов кириш нутқи билан очди. Шундан сўнг сўзга чиққан Калинин районидаги 1-«Тошкент» совхози ишчилар комитетининг раиси, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, Қизил юлдуз ордени кавалери Тожибой Шоисмоилов ҳарбий хизматга жўнаётган йигитларни ота-оналар номидан қизғин табриклади:

— Азиз ўғилларим! Она-Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчингизни адо этиш учун отланяпсиз. Ҳозир сизлар билан бирга биздар ҳам ҳаяжондамиз. Ҳарбий билимларни пухта эгалланг. Сизга билдирилган ишончни оқланг. Ой борнб, омон қайтинг!

Тантанавор музика садолари остида митинг ёпилди. Йигитлар саф бўлиб эшелонларга йўл оладилар.

Г. ҒАФУРОВ.

# АЭРОФЛОТДА ҚИШКИ МАВСУМ

Аэрофлотнинг ички линияларида 15 ноябрда кузги-қишки мавсум бошланади. Электрон-ҳисоблаш техникаси ёрдамида тузилган янги жадвалга жами 1982 рейс—ўтган йил қишки мавсумга қараганда 124 рейс кўп киритилган. 11 ноябрда граждан авиация министрлигида бўлиб ўтган матбуот конференциясида шу ҳақда хабар берилди.

Янгитдан 70 дан ортиқ ҳаво йўли очилади. Гурьев билан Уфа, Тула билан Челябинск, Ижевск билан Киев, Челябинск билан Иваново ва бошқа шаҳарлар ўртасида янги ҳаво йўли очилади. Мавжуд трассаларда, жумладан Москва—Южно-Сахалинск, Иркутск —Тошкент, Киев—Хабаровск, Ленинград—Петропавловск — Камчатский ўртасида самолётлар қатнови кўпайтирилади.

«ТУ—154» самолетида пассажирларни ташиш бошланади. «ТУ—154» самолётлари биринчи бўлиб Москвадан Минеральние води ва Симферополга учади. Москва билан Олмаота ва Москва билан Тошкент ўртасида пассажирлар ташийдиган «ИЛ—62» самолётлари қатнаб туради.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда 3,5 мингдан зиёд шаҳар ва аҳоли пунктлари ўртасида самолётлар қатнаб турибди. Аэрофлот ҳаво йўлининг узунлиги 650 минг километрдан ошди.

(ТАСС мухбири).


Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

20 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 1 ДА
22 НОЯБРЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА
«БАҲОР» КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
21 НОЯБРЬ КУНДУЗ СОАТ 2 ДА
ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТ УСТАЛАРИ ВА ЁШ ИЖРОЧИЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССР халқ артисти
ҚОМУНА ИСМОИЛОВА
Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ДИЛБАР АБДУЛЛАЕВА, ТУХТА РИСМЕТОВА, САЛОҲИДДИН ТУХТАСИНОВ;
Солистлар: Фотима БАРАТОВА, Комолидин РАҲИМОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Ғуломжон ва Абдуллажон ҒОФУРОВЛАР, Анвар РУСТАМОВ, Сотиболди ЮЛДОШЕВ, Уткир ҲОЛМУҲАМЕДОВ.
Аския, юмор ва сатирачилар: Мадаминжон ЮСУПОВ, Ҳасан ЮЛДОШЕВ, Неъматжон ТОШМАТОВ, Йўлдошхон НОСИРОВ.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ
Музика раҳбари — Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.
Программани — Ҳасан ЮЛДОШЕВ ва Анвар РУСТАМОВ лар олиб борадилар.
БИЛЕТЛАР Свердлов номли концерт зали кассасида кун. дуз соат 2 дан сотилади.


## ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.00 — Болалар учун мультфильм. 18.10 — «Ахборот» информацион программаси. 18.25 — «Илмий-техника тараққиёти учун».

Ўзбек тилида: 18.55 — «Ахборот» информацион программаси. 19.10 — Наманган области, Тўрақўрғон район «Дилшод» халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. 20.30 — Дала ишлари кундалиги. 20.50 — «Паролнинг ҳожати йўқ» (бадиий фильмнинг 1 серияси). 21.55 — Кўрсатувлар программаси. 22.30 — Ҳамза номли мукофот лауреатлари. СОБИР АБДУЛЛА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
ЎҚУВ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Адабиёт. 10-синф. «В. Маяковский ҳаёти саҳифалари» (рус тилида). 12.00 — Ўқув фильми. 12.25 — Адабиёт. 10-синф. ОЙБЕК. «Қутлуғ қон» романида миллий озодлик ҳаракатининг акс эттирилиши (ўзбек тилида).

17.30 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: 20.00 — «Рус романслари кечаси» (фильм-концерт). 20.40 — Халқаро шашка бўйича СССР биринчилиги. 21.00 Реклама. 21.10 — «Бир ёзда ўн қиш» (бадиий фильм).

## ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 17/XI да Бой ила хизматчи, 20/XI да Табассум ўғрилари.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 17/XI да Лақма, 18/XI да Паранжи сирлари.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти И. РУБАН раҳбарлигидаги ўргатилган ёввойи ҳайвонлар иштирокида МОСКВА ДАВЛАТ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ҲАЙРЛАШУВ ГАСТРОЛЛАРИ (кеч соат 7 яримда; шанба кунлари кундуз соат 3 ва кеч 7 яримда; якшанба кунлари кундуз соат 12, 3 ва кеч 7 яримда бошланади).

## КИНО

Асосий зарба (2 серия) — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ҚЎҚЧА», «ВОСТОК», (кундуз ва кечқурун).

«ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИ номли (кундуз ва кечқурун).

Симон Боливар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «МОСКВА» (кундуз соат 11.40, 3.20 минут, кеч 7 ва 9 да).

Қобулдаги миссия (2 серия) — ҲАМЗА номли, «ЧАПКА» (кундуз ва кечқурун).

Сен ёнимда бўлсанг — «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Қотилдан қасос — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда).

Бир дақиқалик сукунат — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Чермен — «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим ва 5 да).

29 ноябрь кундуз соат 2 да Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг бирлашган илмий совет кенгаши (Петров кўчаси, 51-уй, конференц зали)да медицина фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун Ф. Х. Дивеева: «Ўзбекистон ССРда қотма (тириқоқ) касаллигининг эпидемиологик хусусияти» деган темада;

М. Э. Омонов: «Хроник сурункали остеомиелитда аутоиммун процесслар» деган темада диссертация ёқлайдилар.

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Диссертациялар билан институт кутубхонасида танишиш мумкин.

РЕСПУБЛИКА МОДАЛАР УЙИНИНГ КЎРГАЗМА ЗАЛИДА
16 НОЯБРДАН
27 НОЯБРГАЧА
1972 йилги бош кийимлар, носки-пайпоқлар, трикотаж ва мўйнадан тикилган маҳсулотларнинг улгуржи савдоси бўйича

18 РЕСПУБЛИКА ЯРМАРКАСИ УТКАЗИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Саперная кўчаси, 25-уй.

# ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

ҚУЁНЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Район тайёрлов конторасининг коллективи йил бошида қуёнчилик фермаси ташкил этиб, 50 бош қуён келтирган эди. Ҳозир қуёнлар сони 120 тадан ошиб кетди.

Уларни парвариш қилиб ўз вақтида рацион асосида озуқа беришда боқувчи Анна Васильеванинг хизматн катта бўлмоқда. Конторадагилар бу йил камида 150 килограмм қуён гўшти стказнб беришмоқчи.

НАМУНАЛИ КУТУБХОНА

«Қибрай» совхозининг кутубхонасига таъриф буюрсангиз, доимо китобхонлар билан гавжум эканлигини кўрасиз. Кутубхонага Марня Сулейкина мудиралик қилади. Илм ўчоғининг сиёсий, қишлоқ хўжалиги, техника, медицинага оид ҳамда бадиий ўн мингга яқин китоблари бор. Совхознинг 120 ишчиси—кутубхонанинг доимий аъзоси. Бу йил кутубхона фонди яна 300 сўмлик китоб билан бойинди.

Шунингдек, кутубхона хизматидан совхознинг 1, 2, 3-бўлим ишчилари ҳам манфаатдорлар. Уларга ҳафта сайин китоблар олиб борнб берилади.

И. РУСТАМОВ.

# ЙЎЛ ҲАВФСИЗЛИГИ ПОСБОНЛАРИ

ТОШКЕНТ шаҳар автоинспекцияси ходимлари пойтахтимизда йўл қатновини тартибли юритиш соҳасида яхши тадбирларни амалга оширмоқдалар. Улар ҳамма вақт ўз постларида сергак туриб, транспорт қатновн хавфсизлигини таъминлаш учун курашмоқдалар.

Суратда: автоинспекция ходимларидан бир группаси (чапдан) И. Шарипов, М. Жўрабеков, А. Йўлдошев, А. Мамажонов ўртоқлар иш устида.

А. Абалян фотоси.



# Спорт

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ОЛДИНДА

Юзкатакли шашка бўйича Тошкентда бошланган мамлакат биринчилигининг финал мусобақалари қатнашчиларининг кескин курашга шайликларини кўрсатмоқда. Ташланган чекка биноан ҳамшаҳарларимиз халқаро мастер С. Давидов билан Ўзбекистон чемпиони С. Гуляев биринчи турда ўзаро учрашдилар. Бу ўйин дуранг натижа берди.

Томошабинларнинг диққат-эътибори гроссмейстерлар «жанги»га қаратилган эди. Жаҳон чемпиони А. Андрейко (Рига) ҳамшаҳри А. Залитиснинг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Фақат ўйин охирида ўз устунлигини кўрсатишга муваффақ бўлди. Минсклик А. Гантварг ленинградлик мастер В. Голосуевни мағлуб этди. Жаҳоннинг собиқ чемпиони В. Шчеголев биринчилик дебютанти В. Белорицкийнинг эндшпилдаги хатосидан фойдаланиб бир очко олди. Ленинград чемпиони А. Могилеянский РСФСР чемпиони В. Ивановни енгди. Қолган ўйинлар дуранг бўлиб тугади.

Иккинчи турда жаҳон чемпиони А. Андрейко яна муваффақиятга эришди. Бу сафар В. Ивановдан бир очко олди. А. Гантварг ва Белорецкийни, Ципес Маншинни ютди. Бу турда ҳамшаҳарларимизнинг рақиблари номдор шашкачилар эди. Шунга қарамай Гуляев В. Шчеголевдан, Давидов эса М. Корховдан яримтадан очко олишди.

Икки турдан сўнг Андрейко билан Гантварг олдинга ўтиб олишди.

Е. ЧЕРКАССКИЙ,
Ўзбекистон ССР шашка федерациясининг раиси.

## «ПАХТАКОР» ҒАЛАБАСИ

«Пахтакор» футболчилари Африка қитъасидаги сафарни муваффақиятли бошладилар. Улар Сьерра-Леоне пойтахти Фритаунда мамлакат терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Ҳисоб ўзбек футболчилари фойдасига 1:0. Пахтакорчилар бу мамлакатда яна учта учрашув ўтказадилар.

Лекин СССР чемпионатида бўлган охирги ўйинлар ҳамшаҳарларимизга қувонч келтирмади. Ростов армянчилари Минскнинг «Динамо» командаси билан 3:3 ҳисобида дуранг ўйнаб, пахтакорчиларни 15-ўринга суриб қўйди. «Нефтчи — «Динамо» (Москва) — 1:1, «Динамо» (Тбилиси) — «Спартак» — 3:0 ҳисобида тугади.

* * *

Олмаотанинг «Қайрат» футболчилари темирйўлчилар халқаро спорт союзи Кубогини қўлга киритдилар. Улар Руминиянинг «Рапид» командаси билан бўлган иккинчи финал матчини 1:0 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар.

Сочи шаҳрида «А» класси иккинчи группа ғолибларининг финал ўйинлари тугади. Пермнинг «Звезда» футболчилари турнирда биринчи ўринни эгаллашди. Бу команда РСФСР чемпиони номини олиб, олтин медаллар билан тақдирланди. Иккинчи ўринни Нальчикнинг «Автомобилист» коллективи, учинчи ўринни «Искра» (Смоленск) футболчилари олдилар. «Звезда» ва «Автомобилист» келгуси йили «А» классининг биринчи группасида ўйнаш ҳуқуқини қўлга киритди.


Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри.

Р. 14649. ИНДЕКС 64697. А—1869.